



Ishonch

МОХИЯТ

Доимо олға
интилиш —
инсон
табиатининг
асосидир.

ПАСКАЛ

Ўзбекистон касба уюшмалари Федератсияси нашри

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

Спорт ёш авлодга соғ-саломат, бардам-бақувват, хурфикр инсон бўлиб ётишиш учун ёрдам беради. Спорт оилада, жамиятда соғлом муҳит қарор топиши учун ўзига хос замин бўлиб хизмат қилади. Спорт Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги обрўини янада ошириш, нуфузини янада юксалтириш учун имконият яратади.

Ислом КАРИМОВ

Спартакиада



Баркамоллик остонаси

Болалар спортини ривожлантириш борасидаги ислохотлар йилдан-йилга кенгайиб бораётир. Президентимиз фармонлари, ҳукумат қарорлари, айниқса, «Баркамол авлод йили» Давлат дастури асосида ёш авлодни ҳар томонлама соғлом ва баркамол қилиб тарбиялаш, спортга жалб этиш муҳим аҳамият касб этади. Шунга қўра, касба уюшмалари болалар ва ўсмирлар спорт мактабларининг фаолиятини янада такомиллаштириш борасидаги тadbирлар эътиборга молик.

22 апрел куни Тошкент вилояти Олмалик шаҳридаги «Олмалик кон-металлургия комбинати» оқ-кўк акциядорлик жамияти спорт мажмуасида Ўзбекистон касба уюшмалари Федератсияси кенгаши, Тошкент вилояти ҳокимияти, «Олмалик кон-металлургия комбинати» ОАЖ ҳамда ЎзКУФ Жисмоний тарбия ва спорт жамияти марказий кенгаши томонидан ташкил этилган касба уюшмалари тизимидаги болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари тарбияланувчилари республика спартакиадасининг очилиш маросини ҳам юқоридаги фикримизни тасдиқлайди.

Авалло таъкидлаш жоиз, 1,5 миллион аъзони бирлаштирган касба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамияти фаолиятини меҳнат жамоалари, ўқув юрталарида ишчи-ҳодимлар, талаба ва ёшларни соғломлаштириш, спортнинг оммавийлигини ошириш орқали уларни соғлом, баркамол қилиб тарбиялашга йўналтириб келади.

Дарҳақиқат, болалар ва ўсмирлар ўртасида спорт-соғломлаштириш, етакчи спортчиларни тайёрлаш борасида спорт мактабларининг аҳамияти ошиб бормоқда. Ўзбекистон касба уюшмалари тизимида 40 та болалар ва ўсмирлар спорт мактаби мавжуд бўлиб, улардан 13 таси олимпий заҳиралари, 3 таси қишлоқ спорт мактабидир.

Республика спартакиадаси ҳам БЎСМ тарбияланувчиларини жисмонан соғлом, маънан баркамол қилиб тарбиялашга қаратилган бўлиб, мусобақаларда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар БЎСМлари тарбияланувчиларидан ташкил топган жамоалар мини футбол ҳамда «Алпомиш» ва «Барчиной» махсус тестлари бўйича куч синашади.

Спартакиадада иштирок этаётган 300 дан зиёд ўқувчи мусобақа давомида шаҳарнинг диққатга сазовор жойлари билан танишиш, маданий тadbирларда иштирок этиш, шунингдек таниқли спортчилар билан учрашиш имконига эга бўлдилар.

Соат 15:30. Спорт мажмуасида йилгиланларнинг кўтаринки руҳда экани шундоқ сезилиб турибди. Мамлакатимизнинг турли вилоятларидан келган болалар ва мураббийларнинг юз-кўзида спортга бўлган энгил ақс этади. Стадион узра турли рангдаги байроқлар, спартакиада қатнашчиларини галабага чорловчи плакатлар икки йилда бир марта ўтказиб келинадиган анъанавий мусобақага катта тайёргарлик кўрилганидан далолат.

Фурсатдан фойдаланиб спартакиада қатнашчиларини сўбатга тортидик.
Йўлдошли Мамажонов, Наманган вилояти:

— Спартакиадада жамоамиз билан ҳудуд шарафини ҳимоя қиламиз. Кайфиятимиз аъло. Муҳими, мусобақа учун барча қулайликлар бор. Бундан ташқари, шаҳарнинг диққатга сазовор жойларини томоша қилиш бизда ўзгача таассурот қолдирди. Бу, албатта, мусобақада иштиёқ билан иштирок этиш имконини беради.

Нигина Ҳайдарова, Бухоро шаҳри:
— Ўн тўрт ёшимда республика миқёсидаги спартакиадада қатнашганимдан жуда хурсандман. Бунда албатта вилоятимиз БЎСМда яратилган шароит, бизга тарбия бераётган устозларимизнинг хизмати катта. Бу ерда «Алпомиш» ва «Барчиной» тест синовларида югуриш бўйича қатнашяпман. Худод хохласа, яхши натижаларга эришаман.

Зиёда Мадумарова, Андижон вилояти:

— Ўн бир ёшимдан энгил атлетика ва қўл тўпи билан шуғулланаман. Мактабимиздаги муҳит, иштирокчилар учун яратилган шароит мени янада руҳлантирди. Спортда қандай натижага эришишимиздан қатъи назар, бу ердан олган таассуротларимиз ҳеч қачон ёдимиздан чиқмайди.

Нигора Ҳамидова, Сурхондарё вилояти:

— Мамлакатимизнинг барча

ҳудудларида бўлгани каби бизнинг вилоятда ҳам болаларнинг спорт билан шуғулланиши учун етарли шароит мавжуд. Республика спартакиада-сида кучимизни синаб кўриш билан бирга яхши дўстлар орттиришга муваффақ бўлдик.

Гўзал Аҳмедова, Хоразм вилояти:

— Бу ердаги имкониятни кўриб мамлакатимизнинг барча ҳудудларида болаларнинг спорт билан машғул бўлишлари учун қулай шароит мавжуд эканига амин бўлдим. Кўриниб турибдики, яхши шароитда тарбияланаётган болалар билан баҳслашиш осон кечмайди. Шунга қарамай, имкон борича яхши натижаларни қўлга киритишга интиламиз.

Мақсудали Раҳимов, Андижон вилояти БЎСМ директори:

— Вилоятимизда спортга бўлган эътибор нихоятда катта. Жумладан, вилоят БЎСМда 375 нафар бола бокс, эркин кураш, стол тенниси, футбол, энгил атлетика, шахмат, шашка ва белбоғли кураш билан шуғулланиб келмоқда. Спартакиаданинг республика босқичида 15 нафар шогирдимиз билан иштирок этаёلمиз.

(Давоми 4-бетда)

Янги кун ЯНГИЛИКЛАРИ

Таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси Қашқадарё вилоят кенгаши Яққабог туман ҳокимлиги билан ҳамкорликда йиғилиш ўтказди.

Таннарх арзонлашади

Унда вилоят кенгаши раиси Ш.Кубаев чорвачиликни ривожлантириш, республикамизда гўшт ва сўт маҳсулотларининг сифатини ошириш ҳамда уларнинг таннархини арзонлаштириш йўлида олиб борилаётган ишларда касба уюшмасининг ўрни ҳақида ахборот берди; зооветеринария хизматларини яхшилаш ва сунъий уруғлантириш шохобчалари фаолиятини кенгайтириш афзалликлари хусусида батафсил тўхталди. Мутахассислар томонидан тақдим этилган маълумотлар йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

Акмал АБДИЕВ, «Ishonch» муҳбири

Фаргона шаҳридаги «Фарантикоринвест» хусусий ишлаб чиқариш корхонасида замонавий ускуналар ёрдамида бўёқ сифатини оширадиган янги маҳсулот яратилди.

Янги хомашё

Мебелсозликда пардозловчи восита сифатида ишлатиладиган ушбу маҳсулот ёрдамида фарғоналик хунармандлар ривожланган мамлакатлар маҳсулотларидан қолишмайдиган силлиқ уй жиҳозларини ишлаб чиқаришмоқда.

Бундан ташқари, корхонада темир конструкцияларни чиришдан сақловчи «Антикор 1005», бетон қурилиш конструкцияларини намликдан асровчи «Лак 1003», механизмларнинг ишлаш жараёнида ҳосил бўладиган чиқиндиларни тозаловчи воситалар истеъмолчиларга етказиб берилмоқда. Утган йили корхонада 650 млн. сўмлик маҳсулот экспорт ва ички бозор учун тайёрланди.

Улғубек ИБОДИНОВ, «Ishonch» муҳбири

Бахт шаҳрида саноат корхоналари сони яна биттага кўпайди. Яқинда фаолият бошлаган «Бахт-Текс фарм» маъсулияти чекланган жамиятида кунига 25 минг метрдан зиёд доқа ишлаб чиқарилмоқда.

Дастохлар ёнида ёшлар

Ҳозир бу ерда вилоят ёшларидан 40 киши ишламоқда. — Келажакда корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати янада ошиб, 300 та тўқув дастгоҳи ўрнатилади, — дейди ишлаб чиқариш цехи бошлиғи Руслан Кўчимов. — Бу қўшимча 150 иш ўрни яратилишига хизмат қилади.

Анорбой НОРКУЛОВ, «Ishonch»нинг жамоатчи муҳбири

Сурхондарё вилоят ҳокимлиги воҳода яшовчи бир гуруҳ нурунийларнинг юртимизнинг тарихий жойларига саёҳатини ташкиллаштирди.

Нурунийлар саёҳатда

Шу кунгача уларнинг 150 нафари Самарқанд, Бухоро, Хива шаҳарларида, 50 нафари пойтахтимида бўлди.

— Саёҳатдан нурунийларимиз катта таассуротлар билан қайтишди, — дейди вилоят «Нуруний» жағфармаси раиси Орзикул Сағатов. — Улар юртимизда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари билан ҳам танишишди.

Рустам ДАВЛАТ, «Ishonch» муҳбири

Жойларда ўтказилаётган ҳисобот-сайловлар касба уюшма ташкилотларининг бундан кейинги фаолиятини белгилаб бермоқда.

— 17-умумий ўрта таълим мактаби касба уюшма ташкилотининг ҳисобот-сайлов йиғилиши жонли ва кўтаринки руҳда ўтди, — деб хабар беради Ян-

ди ҳамда моддий ёрдам кўрсатилди. Таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси Сурхондарё вилоят кенгашининг бўлим mudiri Мавлуда Воҳидова ҳисоб-

Фидойилик рағбатга лойиқ

гикўргон туманидан Н.Абдурахмонова. — Ҳар қандай фидойилик рағбатга лойиқ. Уз ишига масъулият билан ёндашган тармоқ ходимларига устама ҳақ тўлаш жорий этилганлиги туфайли ҳам ўқитувчилар ўртасида соғлом рақобат вужудга келди. Мактаб маъмурияти ва касба уюшма ташкилоти томонидан турли байрамларда ҳам таъминланган ходимларнинг фарзандларига ўқув дарсликлари олиб берил-

бот-сайлов йиғилишларида ёш, билимли, ҳар томонлама етук етакчилар сайлангани, улар орасида хотин-қизлар сонини ошганлигини мамнуният билан таъкидлади. Навбатдаги хабар Фарғона вилоятидан Раҳматжон Мирзалиев томонидан йўлланган бўлиб, унда Қуватекстиль маъсулияти чекланган жамиятда ўтказилган ҳисобот-сайлов йиғилиши ҳақида хабар қилинди.

(Давоми 2-бетда)

Ўзбекистон ва Осиё тараққиёт банки

2010 йил май ойида Тошкент шаҳрида Осиё тараққиёт банки (ОТБ)

Бошқарувчилар кенгашининг 43-йиллик мажлиси бўлиб ўтади

Халқаро миқёсдаги хорижий инвестициялар динамикаси ва капиталлар ҳаракатининг таҳлили шунинг кўрсаткичи, сармоялар биринчи галда инвестицион муҳитида имтиёзлар тизими мавжуд бўлган ҳамда эркин бозор жараёнилари фаол ривожланаётган, йилдан-йилга иқтисодий ўсиш бораётган мамлакатларга кириб бормоқда.

Буни мамлакатимиз иқтисодий ҳолатига хорижий инвестицияларнинг жалб қилиниши мисо-

лида ҳам кўриш мумкин. Жумладан, инвестициялар таркибида хорижий сармояларнинг улуши 1995 йилда 14 фоиз, 1998 йилда 19,7 фоиз, 2002 йилда 20,5 фоиз, 2005 йилда 19,2 фоиз, 2007 йилда 22,8 фоиз бўлган бўлса, 2009 йилда 32,4 фоизни ташкил қилди.

Чет эл инвестицияларини жалб қилиш иқтисодий ривожлантиришга ёрдамлашади ва иқтисодий-иқтисодий ислохотлар учун кучли рағбатлан-тирувчи омил бўлиб хизмат


қилади. Шунинг эътиборига олиб мамлакатимизда қулай инвестицион муҳитни шакллантириш мақсадида бир қатор қонулар ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этиляпти.

Амалдаги баҳоларда мамлакат иқтисодийётида асосий капиталга жалб этилган барча инвестициялар 2007 йилда 5 трлн. 479 млрд. 700 млн. сўми, 2008 йилда 8 трлн. 483 млрд. 700 млн. сўми ташкил этган бўлса, 2009 йилда бу кўрсаткич 12 трлн. 531 млрд.

(Давоми 3-бетда)

ИСТИҚЛОЛ ВА ИСТИҚБОЛ

Ҳисобот-сайловлар



«Nestlé Ўзбекистон» Ўзбекистон-Швейцария қўшма корхонаси маъсуляти чекланган жамиятида тайёрланаётган сўт маҳсулотлари фойдали микро-элементларга бойлиги, юқори сифати ва тўйимлилиги билан ажралиб туради. Уч юз нафар ишчи меҳнат қилаётган корхонада жорий йилнинг биринчи чорагида 2,7 минг тоннага яқин сўт маҳсулотлари тайёрланди, истеъмолчиларга етказиб берилди. Шу давр мобайнида 201 тонна болалар озуқаси тайёрланди. 1093 тонна минерал сув хорижга экспорт қилинди. Суратда: ишчи Сардор Ирисбоев. Хотам МАМАДАЛИЕВ (Ўза) олган сурат

Фидойилик рағбатга лойиқ

(Боши 1-бетда) Музокараларда йигирув бўлими ишчиси Орузхон Мирзаева, тивув бўлимида Орузхон Абдуллаева, Орифжон Қўрманов ўз тақдир ва мулоҳазаларини билдиришди. Касаба уюшмасининг фаолияти қонқарли деб топилди, дейилади хабарда. — Касаба уюшма ташкилоти раислигига Дилфуза Годфурова номзоди кўрсатилиб, бир овоздан тасдиқланди. Чортоқ туман Улғурчи чакана савдо акциядорлик жамияти тасарруфидоги «Таминот-матлубот» савдо ишлаб чиқариш корхонасининг ҳисобот-сўтлов йиғилишида ташкилот етакчиси Абдулло Шариповнинг маърузаси тингланди. У бошланғич ташкилот асосий эътиборни тармоқ ходимларини моддий ва маънавий рағбатлантириш, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялашга қаратилганини алоҳида таъкидлаб ўтди. Бу ишларни амалга оширишда касаба уюшма кўмитаси ҳамда маъмурият ўртасида тузилган жамоа шартномасининг аҳамияти катта бўлганлигига эътиборни қаратди. Навбатдаги хабар пойтахтимизнинг Собир Раҳимов туманидаги 22-ўрта мактаб-

дан йўланган бўлиб, тахлиллар шуни кўрсатдики, бошланғич ташкилотнинг меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоялаш борасидаги роли кучаймоқда. Аъзоларни иш берувчилар ҳамда касаба уюшма ташкилотига талабчанлиги ортомқда. Мактабда педагог ходимлар ва ўқувчилар учун барча шароит яратиб берилган. Режалаштирилган ишлар ҳам талайгина. Ёш авлодни Ватанга муҳаббат, миллий қадриятларимизга хурмат руҳида тарбиялашни бунданда кучайтириш шулар жумласидандир. Бўлиб ўтган ҳисобот-сўтлов йиғилишида аъзолар Гулнара Акбархўжаевага ишонч билдириб, уни касаба уюшма етакчилигига сайлашди. Касаба уюшма органларида ҳисобот-сўтловларни ўтказиш тўғрисида Низомга биноан касаба уюшма гуруҳлари, цех, бошланғич ташкилотларда ҳисобот-сўтлов йиғилишлари ҳамда конференциялари низоҳасига етди. Айни вақтда туман, шаҳар ташкилотларининг конференциялари давом этмоқда. Касаба уюшмалари ҳаёти бўлими

Республикамиз мустақилликка эришиб, дунё ҳамжамиятида ўз нуносиб ўрнига эга бўлди. Давлатимиз халқ фаровонлигини ошириш, турмуш даражасини кўтариш, барча соҳаларда дунёнинг ривожланган мамлакатлари билан рақобат қила оладиган ёшларни тарбиялашга катта эътибор бериб келмоқда. Халқаро андозаларга мос академик лицей, касб-хўнар коллежлари, мактабларнинг қурилиши, мажмуаларини капитал таъмирлаш, спорт мактаблари, майдонлари, заллари қурилишига катта аҳамият берилаётганлиги ҳам фикримизни тасдиқлаб турибди. Бунинг натижаси ўлароқ иқтидорли ёшлар турли анжуманлар, танловлар, мусобақалардан совринли ўринларни олиб қайтмоқдалар. Бунда касаба уюшма ташкилотларининг ҳам ўз ўрни бор, албатта.

Ёшлар манфаати — истиқбол пойдевори

65634 нафар аъзога эга бўлган Андижон вилоят ўрта махсус, касб-хўнар таълими бирлашган касаба уюшма кўмитаси томонидан ҳам бир қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда. «Баркамол авлод йили» Давлат дастурини ҳаётга татбиқ этиш, Президентимиз Фармонлари, ҳукумат қарорлари ижросини таъминлашга катта эътибор қаратилмоқда. Жумладан, иш ҳақи, кўшимча ҳақ тўлаш, тармоқ хусусиятларидан келиб чиқиб, Меҳнат кодексига тегишли моддалар бўйича ходимларнинг айрим тоифалари учун берилган имтиёз ва кафолатлар татбиқ этиш, кўшимча имтиёзлар яратиш, иш ва ўқиш шароитларини яхшилаш, меҳнатни муҳофаза қилиш сингари масалаларни назорат қилиш борасида қатъий чора-тадбирлар кўрилмоқда. Хусусан, бултур 118 нафар қишлоқ жойларида истиқомат қилувчи, кам таъминланган оилалар вақилига 3 миллион 20 миң сўмдан зиёд моддий ёрдам кўрсатилди. 23 нафар шундай оила фарзандлари учун 115 миң сўмлик ўқув қуроллари, дарслиқлар харид қилинди. Тармоқ касаба уюшмаси аъзоларининг 49 фоизини хотин-қизлар ташкил этади. Демак, уларнинг жамиятда ўз ўринларини топишларига кўмаклашиш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш алоҳида эътибор талаб этади. 15 та муассасанин фарзандлари 2 ёшдан 3 ёшгача бўлган 23 нафар ходимга иш берувчилар ва касаба уюшмалари ҳисобидан ёрдам кўрсатилди. Ижтимоий ҳимояга муҳтож яқса-ёғиз кексаларни моддий-маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ҳам доимий диққат марказимизда. Утган йил давомида тармоқ муассасаларида ишлаб, нафақага кузатишган 18 нафар ёғиз ота-онахонларнинг барчаси касаба уюшма ташкилотлари томонидан кўриликка олиниб, гаҳмҳўрлик кўрсатиб келинмоқда. Тармоқ ходимлари ва уларнинг фарзандлари саломатлигини тиклаш масаласи ҳам касаба уюшмаларининг асосий вазифалари сирасига қиради. Утган йилнинг ёзига дам олиш мавсуми давомида 19 та шахардан ташқари ҳамда 38 та қундузги ором-

гоҳларда 19 миң нафар болажоннинг ҳордик чиқариши таъминланди. Уларнинг 5735 нафари имтиёзли, 1073 нафари бепул дам олдирилди. Шунингдек, жамоа шартномалари ва тармоқ келишувлари орқали 22 нафар педагог-ҳодим сийҳатгоҳларда саломатлигини тиклади. Республикаимиз Президенти ҳамда ҳукумат қарорлари асосида халқ таълими ва ўрта махсус, касб-хўнар таълими муассасалари ходимларини моддий рағбатлантиришни кучайтириш, улар меҳнатига ҳақ тўлашни тақомиллаштириш тизими жорий этилиши нуносабати билан Директор жамғармалари тузилганидан хабарингиз бор, албатта. Жамғарма маблағларини сарфлашга ҳолислик ва одилона ёндашушни таъминлаш мақсадида тузилган махсус комиссиялар таркибига бошланғич касаба уюшмалари ташкилотларининг раислари киритилиши бугунги кунда ўзини тўла оқламоқда. Жорий йил биз учун ўта маъсулятли. Чунки барча бўғин касаба уюшма ташкилотларида ҳисобот-сўтловлар бўлиб ўтмоқда. Қолаверса, ушбу муҳим тадбир касаба уюшма ташкилотлари олдига аниқ вазифалар қўйиб, ижтимоий шерикчилик тамойилларини бундан ҳам ривожлантиришга ҳизмат қилади. Кези келганда, «Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси туман (шаҳар) ташкилотларида ҳисобот-сўтлов йиғилишларини ўтказиш бўйича» услубий тавсиялар ҳамда касаба уюшма аъзолик афзалликларини асослаш бўйича тавсиялар жойларда туғилиши мумкин бўлган айрим муаммоларни бартараф

этишда муҳим дастурламал бўлаётганини таъкидлашни истардим. Дастлаб Андижон индустриал-педагогика коллежида вилоят микёсида намунавий семинар ташкил этилди. Сўнгра ана шундай тадбирлар ҳар бир туман, шаҳар микёсида ўтказилди. Мазкур ўқув-семинарлар бошланғич ташкилотларда ҳисобот-сўтловларнинг самарали ўтишини таъминламоқда. Ҳисобот-сўтловларга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш жараёнида касаба уюшма ташкилотларининг ҳисобот давридаги барча йўналишлари бўйича фаолиятлари билан бир қаторда, кадрлар таркибини кучур тахлил этиш, ёш, ғайратли, соҳа муаммоларини яхши биладиган ва уларни хал элта оладиган ходимларни жалб этиш ишлари ҳам изчил олиб борилмоқда. Амалга оширилаётган ушбу тадбирлар фаолиятимизнинг бир йўналиши ҳолос. Бу ишларни ҳар жиҳатдан янада юксалтириш мақсадида истиқбол учун аниқ тадбирлар белгилаб олганмиз. Президентимиз ташаббуси билан 2010 йилнинг «Баркамол авлод йили» деб эълон қилиниши тармоқ касаба уюшмасининг маъсулятини янада оширди. Бундан кейинги иш фаолиятимизда ҳам, албатта, касаба уюшмаси аъзоларини ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий муҳофаза қилишга эътиборни кучайтираверамиз. Ҳалимжон НЕЪМАТОВ, Андижон вилоят ўрта махсус, касб-хўнар таълими бирлашган касаба уюшма кўмитаси раиси

28 апрел — Умумжаҳон меҳнатни муҳофаза қилиш кун

Хавфсиз иш шароитлари яратиш кун тартибиде биринчи масала

Вилоят соғлиқни сақлаш соҳасига тегишли ташкилот ва муассасаларда 2004 йилдан буюн «Меҳнат муҳофазаси ойлиги» ўтказиб келинмоқда. Мазкур тадбир мамлакатимизда меҳнат муҳофазасига оид қабул қилинган қонун ва қарорлар ижросини янада фаоллаштириш, жойларда ишчи-ҳодимларга иш берувчилар ва касаба уюшмалари томонидан хавфсиз ва қулай иш шароитлари яратилиши устидан назоратни янада кучайтиришни кўзда тутди. Утган йили ойлик нуносабати билан меҳнат муҳофазаси тадбирларида 9685700 сўм кўшимча маблағ ажратилди. Бу кўрсаткич йил бошидан ҳисоблаганда 28786391 сўми ташкил этади. Ойлик давомида барча муассасаларимизда касаба уюшма тасарруфидоги меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакил ва доимий комиссия-

нинг вазифалари, ҳуқуқлари, уларнинг фаолиятлари ва жамоатчилик назоратини энг яхши ташкил этиш бўйича кўрик-танловлар ўтказиш юзасидан семинарлар ўтказилди. Шу давр мобайнида 700 дан ортиқ тиббиёт ходимлари меҳнат муҳофазаси бўйича шаходатланди. Вилот тармоқ касаба уюшма кенгаши мутахассислари томонидан 750 нафардан ортиқ қишлоқ врачлик пунктлари мудирилари ва менежерлари меҳнатни муҳофаза қилиш ва меҳнат қончилиги бўйича алоҳида ўқитилди. Муассаса иш берувчилари ҳисобидан 2,2 миллион сўм эвазига 30 та «Меҳнат муҳофазаси бурчаклари» янгидан ташкил этилди. Президентимизнинг «Тез тиббий ёрдам кўрсатиш тизими фаолиятини та-

комиллаштириш тўғрисида»-ги қарори ижросини таъминлаш борасида вилоят соғлиқни сақлаш автокорхонасида 6 та автомашиналарни сақлаш ва таъмирлаш учун янги бокс ва 2 та айвон қуришди. Бунга 16 миллион сўмга яқин маблағ сарфланди. «Тез тиббий ёрдам» хайдовчилари учун 22,2 миллион сўмлик махсус кийим-бош харид қилинди. Жамоатчилик назоратини энг яхши ташкил этиш юзасидан республика кўрик-танловида Ромитан тумани тиббиёт билинмаси касаба уюшма кўмитаси раиси Нодир Қозоқов фахрли III ўринни эгаллаб, фахрий ёриқ ва энг кам иш ҳақининг 6 баравари миқдорда пул муқофоти билан тақдирланди. Шунинг афсус билан айтиш керакки, кейинги 5 йилда тасарруфимиздаги му-

ассасаларда йўл ҳаракати қондасини бузган усмирнинг ҳатоси туфайли битта бахтсиз ҳодиса рўй берди. Марҳумнинг оиласига жамоа шартномасида кўрсатилган ўртача 6 йиллик иш ҳақи миқдорда 14134000 сўм ундириб берилди. Иш жараёнида юз бериши мумкин бўлган ҳар қандай хавфнинг олдини олиш, барча ишчи-ҳодимларимизга ҳозирги замон талаб ва эътижларига мос иш шароитларини яратиш бериш касаба уюшмаларининг доимий эътиборида. Ушбу мақсадга эришиш учун меҳнат муҳофазаси бўйича қабул қилинган барча қонун, қарор, низоом ва йўриқномалар асосида тадбирлар тузиб, уларнинг ижросини таъминлаш борасида изчил ҳаракатларни давом эттираймиз. Барча ташкилот, муассасаларда «Меҳнат муҳофазаси жамғармасини» ташкил этиш, ишчи-ҳодимларини бахтсиз ҳодиса ҳамда касб касалликларидан ижтимоий ҳимоя қилишда жамоатчилик назоратини кучайтирмоқдамиз. Маҳдум ҚОДИРОВ, Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Бухоро вилоят кенгашининг мутахассиси



Абдунаби Абдиев, Мухтор Пардаев

Кўпқари гурунглари

(Боши ўтган сонларда)

— Кўйинлар, ҳар қандай гапни гап деб гапирверадими, олдин кимлигини аниқлайлик, — дебди Эсон чавандоз. — Нима, ёш бошинг бўлса, келиндан қолган қизлар билан бу дунёда ёлғиз ўтаримдинг, бизам сендан алп фарзандлар қолишини истаймиз, — дакки беришибди шериклари. Қизкиши ортан узангидошлар оёқ излари бориб кирган қулбага яқинлашибди, уларни катта кўппак қарши олибди. — Хой, бирон киши борми? — овоз беришибди чавандозлар. Ичкаридан кекса чол чиқибди: — Келинлар, меҳмонлар, бошқа нарсамиз бўлмаса ҳам бир пибла чой ичиб кетасизлар. Ишорага махтал узангидошлар чолниқига кўноқ бўлишибди, мавридини топиб Тўхли полвон йўлдаги оёқ излари ҳақида гап очибди. — Хойнаҳой Раҳиманин изларини кўрган бўлсангизлар керак. Бечора эри урушда нобуд бўлганидан бери йилда бир кун об-ҳаво қандай бўлишидан қатъи назар оёқяланг юришини қанда қилмайди. Қанча уришса ҳам бошқа эр қилмаяпти, «менга уйланган одам қамида менчалик сумбатга эга бўлиш керак» дейди. Одамнинг юлдузи юлдузига тўғри келса шундай бўларкан, Эсоннинг сумбатини кўриб рози бўлибди. Раҳима янча анча бой хотин экан, кўпқаридан қайтишда узангидошлар келинни йигирматача қўй-эчкиси, беш-олти қорамоли билан олиб келишди. ...Кейинчалик Алпон чавандознинг Янгиқишлоқдаги уйда кўноқ бўлганимизда Раҳима момонинг йилига бир кун оёқ яланг юганининг сабабини сўрадик. — Онам раҳматли кўп ҳудожўй аёл эди, эскичани сув қилиб ичиб юбор-

ганди, қишлоқда ким неча хотин-қизларнинг эскичадан саводини чиқарганди. — Раҳима янганинг келин-куёв тўйларида айтган яллари ҳалигача қулоғим остида жаранглаб туради, — Алпон чавандознинг гапини қоқ ўртасидан кесди Абдусалом домла. — Биз болалар Раҳима момонинг чилдирма чалишини кўриш, келинсаломларини эшитиш учун оналаримизнинг издан қолмасдик, аёллар қувиб юборишса, бостирмаларнинг устига чиқиб қузатардик. Агар истасангизлар шу аёллардан бир-икки мисрасини айтиб бераман: **Келин келди сой билан, Олабадан той билан, Келин қариқиз экан, Кўллари бизиз экан... Хипча белли келинчақ, Қулоғинда тилло зирақ, Ўйр йилдан сўнг волиданг Олиб келсин беланчақ.** Тагин мана бундай мисраларни айттарди: **Богингда гул бўлойин, Дарёдайин тўлойин, Менга қиё боқмасанг Очилмасдан ўлойин.** — Раҳима янча ана шундай дарёдил аёл эди, мен у кишининг хислатларидан бир чимдимини эсладим. Абдусалом домла сўхбат тизгинини буриб юборгани учун Алпон чавандозга саволимизни эслатдик. — Онамнинг отамга тушишдан аввал ҳам моллари бисёр экан, аммо бир фарзандга зор экан. Шу боис «Яратган эгам мени ҳам бир фарзандга етказсин, элимиз тинч, дастурхонимиз бут бўлсин» деган ниятда йилнинг бир кунинда оёқяланг, ҳафтанин бир кунинда оқ юрган экан. Тагин онамининг бир гапи сира эсимдан чиқмайди, у киши отам кўпқаридан келгунча кундузи қувшининг тигида, кечаси кишининг аёзига уйга кирмай ўтирарди, сабабини сўраганимизда: «Отанг ҳозир бизнинг ризқимиз учун ор талашаяпти, у киши қийналиб ўтирганида мен қандай қилиб роҳат олай?» — дер эди. 6 — Бу дунёда менинг илк муаллимларим отам ҳамда онам, мен ҳаёт сабогини улардан олганман, — деди падарни бузруқворини эслаб Алпон чавандоз. — Агар отамнинг ўғитларини олганимизда ҳеч қачон кўпқари давраларида донг таратмасдик. Ун икки-ун уч ёшмини тўлдириб, тойкашларда от чапиб юрган йилларим эди. Бир кун солимга яқинлашмай тихирлик қилган отни алам устиде боши-кўзига қарамасдан қамчиладим. Уша даврада отам қилигимдан жаҳли кўзиган бўлса-да ичига ютди, кўпчиликнинг олдида ўсал бўлмасин дедими, бирон оғиз гапирмади. Уйга қайтиб келганимиздан сўнг мени ёнига чорлаб: — Айтишларича, от Одам Атодан етмиш етти миң йил олдин яратилган экан. Жониворлар орасида одам учун ундан яқинроғи бўлмас экан. От ўзини сийлаганин сийлар, қадрига етганин улуғлар, эл олдида қаддини билад қилар экан. Агар яхши чавандоз бўлишини истасанг, зинҳор-базинҳор етовингидеги отга қўл кўтарма, — деди.

Шу-шу отга зўғум қилганин кўрсан жон-поним чиқиб кетади, қошларини уюб, юзимга тикилиб турган отамнинг киефаси кўз ўнгимда гавдаланади. Гапинг очиги, йигит қишига отдан яқинроқ эр, кўнглини англаб биродар бўлмас экан. Кўпқари давраларида зўр зўғу дағи келиб, ким қанча чавандозлар отдан йиқилса-да, биронтасини от босиб ўтганини эслолмайман.

АЛПОН — АЛП УҒЛОН

1

- Суюнчини каттароқ қилин, Эсонбой, ўғилли бўлдингиз, ўғилли.
- Сўкимга боқилаётган кўчор сизники, тилингизга шакар, ана!
- Кичкина полвоннинг номини нима қўйдик, чавандоз?
- Номими, номи Алпон бўлсин, Алпон полвондек алп ўғлон бўлсин.

Энага момо юргурлаб уйдан чиқди, эшикдан унинг: «Полвон ўғлига ном қўйди, бувакнинг исми Алпон бўлди», — дегани эшитилди. Эсон чавандоз энтикди, энди унинг ҳам бир ўғли икки бўлди, от тутар зурёдилари бор. Тўғри, Яратган эгам уни фарзанддан қисмаган, аммо ўғил қанча бўлса ўрни бўлак-да. Уйда оёқ чўзган дамлари қизларини тиззасига олиб эрқалатган бўлса-да, киши билмас ичига олиб юривди: бир кун қамчисини қазноққа илса, Еқубини ким қўллаб-қувватлайди, туркман чавандозга берган ваъдаси нима бўлади? Мана ўғилли бўлди, орзуларни ушалди, энди унинг ҳам Алпони бор, ўз Алпони. Ахир унинг қўлини кўпқаридан совутган шу Алпон эмасми, шу Алпон эмасми ҳали қирқдан эңдигина ошган чавандозни оддий томошабинлар қаторига ўтиргизиб қўйган?

— Қараб тур, полвон, — ўзича гоёибона рақибига мурожаат қилди Эсон чавандоз. — Улимни бир чаванон қилиб етиштирайки, сумбатини кўрганларнинг тиззаси қалтираб турсин.

Эсон чавандоз ширин орзулар оғушига чўмди...

2

Ислол оқсоқолнинг Оқбурун лақабли оти чавандозман деганинги ҳавасини келтирарди. Оқбурун кирган даврада ўзга отларга зот етишмасди. Оқбурун отмисан от эди. Қутулмаганда давраларнинг кўрки бўлган Оқбурун изсиз йўқолди. Эрта тонг кўрага кирган оқсоқол отнинг йўқлигини кўриб, юраги зир қақшади.

- Халойиқ, отим, отганимни ўғирлаб кетишибди.

Ислол оқсоқол айтган хабардан ларзага тушмаган одам зоти қолмади. Тўрт тарафга изқувларлар жўнатилди, кўрдим-билдим деган кимса топилмади.

Эсон полвон эңдигина еттинчи синфга кўчган ўғлининг Оқбурунга ҳаваси зўр эканлигини биларди.

- Ота, менам Оқбурунни миниб улоққа кирсам дейман.
- Хали ёшсан, насиб этса Оқбурундан ҳам зўр отларни минарсан.

Ота-ўғил ўртасидаги сўхбат фақат ўзларигагина аён эди.

- Жума қизилдек бир даврага ўғирлаб кетсамкин?
- Мактабини тугатиб, эр ет, энг зўр отларнинг эгалари эшигингда саф тортишади.
- Уша қунар қачон келар экан?

Алпонга Жума қизил хикоясини Эсон полвоннинг ўзи айтиб берганди. Яратган эгам Жума қизилни сохт-сумбат, куч-қудратдан қисмаганиди.

ИСТИҚЛОЛ ВА ИСТИҚБОЛ

Ўзбекистон ва Осиё тараққиёт банки

2010 йил май ойида Тошкент шаҳрида Осиё тараққиёт банки (ОТБ) Бошқарувчилар кенгашининг 43-йиллик мажлиси бўлиб ўтади

(Боши 1-бетда)
 Республикада хорижий инвестицияларни жалб қилиш учун яратилган кулай шароит:
 тадбиркорлик, хусусий мулкчилик ва рақобатни ҳимоя қиладиган қонунлар базаси шакллантирилгани;
 инвестиция жараёنларини қўллаб-қувватловчи инфратузилма, сиёсий барқарорлик, Ўзбекистоннинг кулай географик маконда жойлашганлиги;
 бой минерал ресурслар, шунингдек агросаноат секторини ривожлантириш учун имконият кенглиги;
 малакали ишчи кучи ресурслари;
 катта истеъмол бозори мавжудлиги билан изоҳланади.
 2009 йилда юртимизда 22 та йирик ишлаб чиқариш объекти фойдаланишга топширилди. Жумладан, «Фарғонаазот» ва «Максам-Чирчик» корхоналарида аммиак агрегатларини реконструкция қилиш, Наманган шаҳрида энгил автомобиллар учун фара ва чироклар ишлаб чиқарадиган завод, Бухоро шаҳрида «ДФУ текстил» тўқимачилик комплекси қурилиши каби стратегик лойиҳалар ниҳоясига етказилди.
 Мамлакатимиз иқтисодиётига киритилаётган инвестициялар тарқиб ўтган йиллардаги нисбатан ўзгариб, асосий қисми қурилиш-монтаж ишлари, иқтисодиётнинг муҳим тармоқларини жадал модернизация қилишга, техник ва технологик қайта

жизлаш, транспорт коммуникацияларини янада ривожлантириш ва ижтимоий инфратузилма объектиларини барпо этишга йўналтирилди.
 Ўзбекистон инвестицион сиёсатининг асосий дастуридан бири давлат инвестиция дастуридир. У орқали республикамизда инвестицион лойиҳаларни амалга оширишда манфаатдор инвесторларнинг қизиқиши ва кучи мувофиқлаштирилади.
 Йирик лойиҳаларни, биринчи навбатда, инфратузилма лойиҳаларини амалга ошириш учун ички ресурсларни жалб қилишга мамлакатимизда 2007 йили ташкил этилган Тикланиш ва тараққиёт фонди катта ҳисса қўшапти. Бугунги кунда бу фонднинг жағғармаси 3,7 млрд. долларни ташкил этади.
 Йирик инвестицион лойиҳаларни амалга оширишда нуфузли халқаро молия ташкилотлари ҳамда ривожланган мамлакатлар молия институтлари ҳам қатнашмоқда. Шулардан бири бўлиши Осиё тараққиёт банки Ўзбекистоннинг кўп йиллик ишончли шеригидир. 2010 йил май ойи бошида ОТБ Бошқарувчилар кенгашининг Тошкент шаҳрида 43-йиллик мажлиси бўлиб ўтади. Фоят нуфузли йилнинг ўзига келиб ОТБ Бошқарувчилар кенгашининг ўзбек модели жаҳон миқёсида эътироф этилаётганининг яна бир кўринишидир.
 Ривожланиш, минтақавий ҳамкорлик лойиҳаларини молиялаш ва техник кўмаклашиш 67 давлат, жумла-

дан бири — қиймати 300 млн. долларлик «Сув таъминоти ва каналзация соҳасида мултитраншли молиялаш дастури» лойиҳаси маъқулланди. Бошқа лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш юзасидан иш олиб борилмоқда.
 2010 йил феврал ойида Ўзбекистонга ташриф буюрган ОТБ президенти Харухико Куродани юртбошимиз Ислам Каримов қабул қилди ва Ўзбекистон кўлаб нуфузли халқаро молия муассасалари билан фаол ҳамкорлик қилаётганини, айниқса, ОТБ билан алоқаларни кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратаётганини таъкидлади. ОТБ президенти ҳам Ўзбекистон билан ҳамкорлик кўламини янада кенгайтириш ниятида эканини билдирди.
 Муҳтасар қилиб айтганда, шу йил май ойида Тошкентда ўтказиладиган ОТБ Бошқарувчилар кенгашининг 43-йиллик мажлиси мамлакатимиз билан ушбу нуфузли молия муассасаси ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлайди. 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастурини баҳарлаш ва шу асосда иқтисодий ривожланишнинг юқори ва барқарор суьратларини, самарадорлигини ҳамда макроеқтисодий мувозанатни таъминлашга, инвестицион жараёнларни тақомиллаштиришга, миллий иқтисодиётнинг рақобатбардорлик даражасини мустаҳкамлашга имкон яратди.
Турғун ЗИЯЕВ, Тошкент давлат иқтисодиёт университети фахрий доктори, Шоира ИСРОИЛОВА, доцент

Ўқиш ёки қасб-коримиз тақозо этган асосий вазифаларни аъло даражада бажариш билан бирга, жамоат ишларида ҳам фаол қатнашиш ёшлар камолотидаги энг муҳим омиллардандир. Ташкилотчилик, ҳаммага манфаат келтирувчи юмушлар билан шугулланиш бизни чинқилдиради, ҳаёт ҳақидаги тасаввурларимизни бойтади, турли масалаларга ҳолис ёндашишга ўргатади.

Бир неча йилдан буён институтимиз бошланғич касабга уюшма ташкилоти ишларида фаол қатнашиб келаямиз. Шу ўринда ушбу ташкилот фаолиятига оид айрим фактларни келтириб ўтсам, аввало, талабалар турар-жойида кейинги пайтларда рўй берган катта ўзгаришларга тўхталиш жоиз. Жамоа шартномасида белгиланган чора-тадбирлар асосида бу ёр таъмирланди, хоналар замонавий мебел ва бошқа ашёлар, энг янги русумдаги ўқув-техника воситалари билан жиҳозланди.

Эҳтиёжларга теран нигоҳ


Талабалар турар-жойида оқватлар нархи 20 фоиз арзонлаштирилган 90 ўринли ошхона, буфет, тиббий пункт, изолятор ва гигиена хоналари, ювиниш жойлари, санитария-гигиена хоналари, ота-оналар билан мулоқот хонаси, саргарошлик, чеварчилик, қосиблик хоналари ва бошқа кулайликлар мавжуд. 150 ўринли залда мунтазам равишда турли маърифий ва кўнглиғор тадбирлар ўтказиб борилаётган. Ҳар бир қаватда мутолаа ва дам олиш хоналари бор. Улар компьютер ва телевизорлар билан таъминланган.
 «Барқамол авлод йили» Давлат дастурида мамлакатимизда спортни янада ривожлантириш, янги-янги иншоотлар бунёд этиш, ёш авлоднинг спортга кенг жалб қилиш биринчи даражада вазифа сифатида белгиланган. Бизнинг талабалар учун эндиликда бу жиҳатдан ҳеч қандай муаммо йўқ деса бўлади. Талабалар турар-жойи қошида ёнги спорт майдони, стадион, ўқув корпуслари қаторида эса иккита спорт зали ишлаб турибди. Уларда 9 та спорт секцияси фаолият олиб бормоқда. Шунинг натижаси ўлароқ, кейинги вақтларда тенгдошларимиз орасидан волейбол, кураш, теннис бўйича ўнлаб спорт усталари етишиб чиқди. Бугунги кунда спорт клуб ва тўғарақларига 980 нафар талаба мунтазам қатнашмоқда.
 Талабалар турар-жойи қошида «Ибн Сино» соғлом турмуш тарзи тарғиботи маркази ҳам фаолият кўрсатаяпти. Ушбу марказда футболроқчилар, унда Ўзбекистон халқ таъбири академияси тасвир этган, махсус сертифициланган 22 хил доривор ўсимликдан дамламалар тайёрланади. Кези келганда айтиб ўтиш ўринлики, таълим ва фан ходимлари касабга уюшмаси Марказий кенгаши томонидан бизнинг жамоа шартномасида аъзоларни ижтимоий ҳимоялаш борасида яхши тузилган шартнома сифатида эътироф этилди.
 Ижтимоий ҳимояга муҳтож талабаларга алоҳида ғамхўрлик кўрсатишмоқда. Кейинги 4 ўқув йилида 16 нафар талабага энг кам ойлик иш ҳақи миқдоридан устамга стипендия бериб борилади. Утган ўқув йилида 3 нафар, айни пайтда 1 нафар талабанинг шартнома пули тармоқ касабга уюшмасининг вилоят кенгаши ва Марказий кенгаш ҳомийлигида тўланди.
 Талабалар учун каштачилик, пазандачилик, нотиклик санъати, бадий графика каби 13 та клуб ишлаб турибди. «Олтин даврим» фольклор ансамблида 30 га яқин ҳаваскор қобилиятини ўстирмоқда. Ушбу жамоа олий таълим муассасалари ўртасида ўтказилган «Барҳаёт ананалар» фольклор фестивалининг Қарши шаҳрида ўтказилган финал босқичида (2008 йил) фахрий учинчи ўринни эгаллади.
 Бошланғич касабга уюшма кўмитасида институтда катта ҳурмат-эътиборга эга устозлар билан бирга талабалар ҳам фаол иш олиб бораётди. Айниқса, магистрант Илёс Раҳимов, қурилиш факултети талабаси Ҳидоят Акрамова, механика факултетидан Камолддин Йўлдошев ушбу ташкилот фидойилари сифатида танилиб қолди. Мени эса ўтган ҳисобот-сўйлос йилгилашда таълим ва фан ходимлари касабга уюшмаси вилоят кенгашининг навбатдаги 4-конференциясига делегат этиб сайланди. Бу ишончли оқлашга ҳаракат қиламан.
Абдулла ҚЎЗИЕВ, Наманган муҳандислик-педагогика институти магистранти, Ўзбекистон Президенти давлат стипендияси совриндори

Бошланғич ташкилотларда


СОЛИҚ ТИЗИМИ

Электрон мадад дастури — амалда

Бугунги кунда солиқ қонунчилиги амал қилиш ва соҳага жорий этилаётган янгиликлар ва ўзгаришлардан нафақат жисмоний шахсларни, балки юридик шахсларни мунтазам хабардор қилиб туриш, бу борадаги билим, кўникмаларини ошириб бориш ниҳоятда муҳимдир.
 — Шу мақсадда рўйхатдан ўтган корхона, ташкилотлар ва фуқаролар ўртасида мунтазам равишда солиқ қонунчилигига оид учрашув, давра суҳбатлари ташкил этишга ҳаракат қилаялмиш, — дейди Тошкент вилоятининг Уртачирчиқ туман ДСИ бошлиғининг биринчи ўринбосари Бахтиёр Орифжонов. — Хусусан, ўтган чоракда мавжуд ташкилотлар, маҳалла, гузарларда ўндан ортик тадбирлар ташкил этилди.
 Бу эса солиқ тўловчиларнинг билим доираси ошишига, топшириладиган бухгалтерия ҳужжатларининг янада мукамаллаштиришга хизмат қилмоқда. Яқиндан бошлаб ҳудудимиздаги корхона, ташкилотлар бухгалтерияларида замонавий электрон мадад дастурига ўтиш ишлари бошлаб юборилди. Бунинг натижасида ўтган қисқа муддатда 200 тадан ортик ташкилотлар ана шу Дастур асосида фаолият кўрсатишлари учун шартнома тузишга эришилди. Айни пайтда бу борадаги ишлар кўламини янада кенгайтирилмоқда.
 Бир сўз билан айтганда, Солиқ қонунчилигини тақомиллаштириш, унинг тарғиботини ошириш, замонавий усуллари қўллаш учун барча саъй-ҳаракатлар ишга солинимоқда.
Н. ЖЎРАБЕКОВА



Жиззах вилояти Фаллаорол туманида чорва молларини кўпайтириш ва аҳолига сўт, гўшт маҳсулотлари етказиб бериш хажмининг ошириш, ушбу мақсадда наслчиликни яхшилаш ишлари алоҳида эътибор қаратилмоқда.



Умар РАҲМОНҚУЛОВ (ўзА) олган суратлар

Хозир туман аҳолиси ва чорвачиликка ихтисослашган 21 фермер хўжалигида 82 минг 500 бошдан ортик қорамол, қарийб 30 минг бош қўй-эчки парвариш қилинмоқда. Туманда чорва молларининг кўпайиши хизмат кўрсатиш тармоқларининг ривожланишини тақозо этаётди. Шу мақсадда деярли барча фуқаролар йиғинлари ҳудудларида зооветеринария шохобчалари фаолияти йўлга қўйилди. Уларнинг ёнида омухта ем сотиш ва молларни сунъий ургунлириш пунктлари ҳам ташкил этилмоқда.
Суратларда: Фаллаорол тумани «Олимплар» маҳалласидаги зооветеринария шохобчаси врач Мухиддин Суенов; (чапдан) Фаллаорол туманидаги «Оқ сўт чашмаси» маъсуляти чекланган жамияти врач Иброҳим Турсунов ва асимлятор Ортиқбой Агабов.

Жума қизилнинг ягона айби шир яланғоч камбағаллиги эди. Бор одамлар уни кўпма давраларига қўшмас, билагидан кучи тўлиб-тошса-да, миниб чопишга от тополмас эди. Бойлар унинг куч-қувватда бировдан кам эмаслигини билишса-да, танишларининг: «Отингни ишонингга шу яланғочдан бошқа чавагон топмадингми?», — деб киноя қилишларидан қочиб от беришмасди. Шу боис олисроқда кўпқари дарагини эшитганда Жума қизил бир кечада кўзига ёққан отни ўғирлаб, улоққа кетарди. Қайтишда олдига икки-уч тана, беш-ўн майда мол суриб келган Жума қизилни кўриб отнинг эгаси газабидан тушарди.
 Жума қизилнинг нафси катта эмас, отнинг эгаси бир эчки ёки қўйни берса боши осмонга етарди. Камбағаллигига қарамадан унинг кўли очик, саҳий эди, хизмат ҳақиқа берилган молни сўйиб, қўни-қўшиларига илинарди.
 Мана ким неча йиллардики, Қизилмозорда Жума қизил афсонаси оғиздан-оғизга ўтиб юрибди.
3
 Ҳамма Оқбурунни қидириб юрганда Эсон полвон Алпонни эслади:
 — Қулоқсиз бола ёшлигига бориб Жума қизилнинг йўлини тутган бўлмасин-да.
 Уйлаганидек бўлиб чиқди, ўша оқшом қишлоқдан нафақат Оқбурун, балки эндигина еттинчи синфда ўқитган Алпон ҳам йўқолганди. Эсон чавандоз шубҳасини Ислам оқсоқолнинг қулоғига шипшиди:
 — Оқсоқол, отингизни бизнинг ул миниб кетган чиқадими дейман. Уйда Алпон йўқ.
 — Отини Алпон миниб кетган бўлса гуноҳидан кечдим, унга ишонаман, ёш бўлса-да сохт-сумбати бировдан кам эмас. Хали ўндан шундай чавагон чиркинми. Аммо бошқа биров шу ишни қилган бўлса, умрини турмада чиқатман.
 Уша кун Алпонни қуттишди, дарак бўлмади.
 Эртасига бир ўқиз, икки улоқни олдига суриб, майда-чуйда совринларни хўржинга жойлаб ўн тўрт ёшни эндигина тўлдирган чавандоз қишлоққа кириб келди:
 — Яққабодга зўр давра бўлди, менам бунд қелмадим, — деди у ҳамқишлоқларига оғзи қулоғига етиб.
 Қулоқсиз ўғлини койимокчи бўлган Эсон полвонни Ислам оқсоқол тўхтади:
 — Халойик, элимиздан янги, умидли чавагон чиқди. Алпонга оқ фотиҳа берайлик. Энди Оқбурунни қишлоқдан фақат Алпон минади.
 Тўпланганлар гув этиб дуога қўшилишди.
4
 От, кўпаридан гап кетганда чавандозман деганининг дили яйрайди. Улоқ қабаётганларга кўзи тушган чавандоз касал бўлса соғайиб кетади. Бунга Алпон чавандоз ҳаётида қайта-қайта иймон келтирган.
 Ҳузурдаги кўпқари кирган отнинг сони-саногига етиб бўлмасди. Шу кун қамашлик от муҳлиси Бозор Қўчқоровнинг Жодугар лақабли ҳамда Бўз отларини минган Алпон чавандоз бирин-кетин ўн икки совринни ҳалоллади.
 Полвон халқи мард, танти келади.
 Полвон халқи зўрнинг ҳурматини жойига қўяди.
 Аммо бу тушунчаларга хира соя ташлаётган ҳолатлар ҳам йўқ эмас. Ора-сира бўлса-да, ўндан зўр билан галлашиб даврага чиқайтганлар,

кўпқарида улоққа чилвир солаётганлар, тарафқашлик қилаётганлар учраб туради. Хуллас, ўшанда ҳасадгўйлар Алпоннинг зўрлигини кўришолмади. У навбатдаги улоқни ердан узиб олганда тўрт томондан ўраб, отдан йиқитишди. Тўрт қовурсага, елкаси ва бурни синган чавандоз ролла-роса икки ой Қамаш туман шифохонасида даволанишга мажбур бўлди.
 — Энди камиди бир йил кўпқари чопмайсиз, ўн килодан ортик юк кўтармайсиз, — тайинлашди шифокорлар Алпон полвонга жавоб беришаркан.
 Шифохонадан чиққанига эндигина икки кун бўлган Алпон чавандоз Харибулоқ қишлоғида катта кўпқари борлигини эшитиб оромини йўқотди.
 — Сенга улоққа кириш мумкин эмас, яраларинг тўлиқ битгунича уйдан чиқма, — дейишди қурдош биродарлари.
 — Даврага кирмайман, от устидан бир четдан томоша қилсам нима бўлибди.
 Кўпқарида даврада от сургандан четдан кузатган кўпроқ ҳажонларди. Ишонмасангиз томоша қилиб кўринг, юрагингизда отлар тўғи остида қолиб кетишдан кўрқув уйғонса-да, беллашувнинг энг қизгин нукталарига борганингизни сезмай қоласиз. Энди ўринингизга умри улоқ талашиб ўтган чавандозни қўйиб кўринг.
 Тўрт-беш совриндан сўнг даврага улоқ ўринга 80-90 кило келадиган танача гавдаси ташланди. Чавандозлар бир ярим соатдан ортик талашиб-тортишса-да, биронтаси гавдани ердан кўтариб ололмади. Бу ҳолга қўшқондан томоша қилаётган Алпон чавандоз чидаб туролмади:
 — Ё Аллоҳим, ўзинг қўлла, — деб наъра тортганча отнинг белига тепди.
 Гавдани ердан даст кўтариб олган Алпон чавандоз даврани ёриб чиққанда бақовулнинг товуши янгради:
 — Сизники ҳалол, полвон, гавдани ташланг.
 Бақовулнинг даъватига жавобан гавдани маррага келтириб ташлаган чавандоз ҳолсизланиб эгардан йиқилди.
 — Қони қизғинлик қилиб кўпқарига кирганим учун тагин икки ой шифохонада юлдуз санашимга тўғри келганди, — деб кулади Алпон чавандоз шу воқеани эслаганида.
5
 Туркменистоннинг Керкичасидаги улоққа Бозор Қўчқоровнинг отлари билан қатнашган Алпон чавандоз икки кун давомида икки тўра, бешта той, ҳўкиз, тило танга ва бир нечта майда совринни ҳалол айирди.
 Давранинг энг катта соврини ташланганда улоқ тутишган эллик ёшлардаги чавандознинг Алпонга сира ён бергани келмади. Икки чавандоз тўдандан айрилиб қанча тортишсан, гоҳ ўзининг, гоҳ бунининг кўли баланд келайтгандек тўюлса-да, улоқни тўлиқ ўзиники қилиб ололмади. Шу пайт қутилмаган ҳодиса рўй берди, Алпоннинг остидаги аргумоқ эгасига-да бош бермай катта ариқча томон йўл солди. Кекса чавандоз улоқни узиб олганича аргумоғи билан ариқдан қушеқ учиб ўтаётган рақибини ҳавас билан кузатишдан бошқа чора тополмади. Ушанда аргумоққа Жодугар деган лақаб берилди.
 Аммо бу беллашувда Алпондан энгилган чавандоз бир пайтлар Эсон полвонни зир қақшатиб бош совринни тортиб олган туркман Алпон эканлигини биров эсласа, кўпчилик билмади ҳисоби.
6
 — Бир гал Қаршида даволанаётган опамнинг ҳолидан хабар олиб қайтаётганимда, Ҳузурда мени кўриб уч-тўрт нотаниш одам теварегимни ўраб олди.

— Қаёқларда юрибсиз, полвон, сизни қидирмаган жойимиз қолмади. Хозир қишлоғингиздан келаялмиш, тез биз билан юринг, — дейишди улар. Мен ҳайрон қолдим.
 — Узи нима гап? — сўрадим талмовсираб.
 — Бизни Тожинор Холтурраев юборганди, бугун шўрғузарлик Норбой чўпон ўн тўрт йилда тилаб олган ягона ўғлига икки кунлик кўпқарили тўй бераёпти. Узиям солимга олтига той ташлашини эшитиб жумла-жаҳондан чавандоз келди, шунга бормасангиз бўлмас экан.
 У десам бу дейишди, бу десам у дейишди, хуллас чавандозлик жомакорларим бўлмасан-да, оёғимдаги резин этик билан олиб кетишди.
 — Абдусалом ака, ўша тўйга сизам Панжлар билан борган эдингиз, шекилли, — шеригимизга савол берди Алпон чавандоз. — Мен гапга нўноқман, бўёғини ўзингиз айтиб беринг.
 Абдусалом домла бир муддат навбатдаги афсонасини айтишга шайланаётган ровийга ўхшаб ўйга толди. Воқеани тўлиқ эслаш учунми қошлари бир ерга уйилди, киприклари пирпирлади, ноғоҳ қаддини ростлади-да, ҳикоясини бошлади:
 — Ростини айтсам, бундай тўйлар ўн-йигирмага йилда бир бўлади. Алпон полвон уйда бўлмагани учун Панжи етакчилигида йўлга тушиди. Бир манзилга етганимизда бизга тарқилик Шоди қозок, қалқамалик Жамолхон эшон, макритлик Файзулло чавагонлар қўшилди. Кўпқари чопилдиган майдонда Алпонни кўриб қувонганимиз ошди, негаки бу майдонда эл-юртнинг ор-номуси ўртага қўйилганди.
 Ҳаммаимиз кўпқарининг ҳадисини олиб, кўлаб давраларни кўриб юрган эмасимиз, бир қарашда сурхондарёликлар сафида Файзи, Чори, Шоберди, Нураллар, самарқандликлар орасида Олмос, Турсун, жижазалик Абул, Расул соқовлар борлигини ажрим қилдик. Шу пайт отнинг бошини давранимиз томон бурган, ўша даврада Деҳқонбод туман ижрокўми раиси бўлиб ишлайдиган Тожинор ака Холтурраев чаққонлик билан увовидан тушиб ҳар биримизни алоҳида-алоҳида қучоғига босди:
 — Бугунги тўйда бақовул ўзимиздан бўлса-да, кўпнинг қўзи, кўпқари гирромни ёқтирмайди, сизларга ён босолмайди. Бунга ўзимиз ҳам йўл қўймаймиз, ҳаммаси ўзларингизга, бир-бировингизни қўлаб-қувватлашингизга, билангиздаги қучингизга болдик. Аммо эсдан чиқарманлар, сурхонлик чавагонлар қўноқ тушган уйлариингиз эгасидан бу ерларда тоининг баҳоси неча пуллингизни сўраб қўйишган, тагин юзимизни ерга қаратманлар, — деди.
 Тожинор аканинг галати оdatи бор эди, у киши чинакамига кўпқарининг ишқибози, эғнидаги қийим-бошига қарамадан ўзи ҳам отга миниб, чавагонларга араллашиб кетаверарди.
 — Фақат сиз бир чимдим оқ фотиҳангизни беринг.
 Хуллас, кўпқаримиз кўпқаричон бўлди, майдонга мингдан ортик от кирди, улоқни тақимига босган ким, чеккадан йўл пойлаган ким, онда-сонда бир чилвир солган ким. Икки кун давомида солимга ташланган олтига тоининг иккитасини Ҳалим бобонинг Қора тўриги билан Алпон чавандоз, Қорабайрига отланган Жамолхон эшон, Тило лақабли отида Шоди қозок, Файзулло чавандозлар биттадан тойни ҳалол олиб чиқиди. Атиги бир тойга эга бўлган меймон чавандозлар қашқадарлик алпларга тан бериб, айирган зотларига шуқур қилиб, (уй-уйга қайтишди.
Давом бор

Спартакиада

Баркамоллик остонаси



корларнинг қўшиқлари спартакиада қатнашчиларига янги куч ва яхши кайфият бахш этган ажаб эмас.

23 апрел куни иштирокчилар «Ал-поммиш» ва «Барчиной» махсус тестлари ҳамда мини-футбол бўйича бахсларни якунига етказишди. Беллашулар шиддатлилиги билан ҳаммада катта таассурот қолдирди.

— Беш йилдан бери сузиш билан шуғулланаман, — дейди жиззахлик 11 ёшли Элдор Абдимуродов. — Сузишга шунчаки машғулоти сифатида қараш умуман тўғри келмайди. Сузиш жараёнида бутун тана ҳаракатда бўлгани учун қон айлантиш тизими яхшиланади. Бундан ташқари, киши қоматининг тик ва чиройли бўлишида спортнинг бу

роқчилар бевосита гувоҳ бўлишди. Куй-қўшиқлари, жозибали рақслари билан спартакиада қатнашчилари кўнглига завқ-шавқ улашган «Металлург» маданият саройи, ширини ва мазали таомлари билан намунали хизмат кўрсатган «Марҳамат» ресторани жамоаларига ташкилотчиларнинг қимматбаҳо совғалари топширилди.

Ниҳоят, ҳамма кутган ҳаяжонли дақиқалар етиб келди. Мини-футбол бахсларида Тошкент шаҳар БУСМ жамоаси фахрли учинчи ўринни қўлга киритгани эълон қилинди. Фарғона ва Тошкент вилояти вакиллари иккинчи ҳамда биринчи поғонадан жой олгани ҳақидаги хабарни ҳамма давоми қарсақ садолари билан кутиб олди.

Ғолиб жамоа вакиллари диплом ва медаллар, спорт анжумлари ҳамда фор-

қизлар ўртасида кечган бахсларда биринчи ва учинчи ўринлар пойтахтлик Олга Рапорорт ва Анастасия Крючковага, иккинчи ўрин эса фарғоналик Азиза Каримовага nasib этди. Ўғил болалар бахсида эса омад фарғоналик Валерий Михайлов, Улуғбек Исроилов ҳамда тошкентлик Валерий Меренковга қўлиб боқди.

Шу тариқа 14-15 ёшли қизлар ва ўғил болалар ўртасидаги ғолиблар эълон қилиниб, уларга эсдалик совғалари берилди.

Спартакиаданинг ёпилиш маросимида сўзга чиққан ЎзКУФК раисининг ўринбосари Озода Муҳитдинова, Тошкент вилояти касаба уюшма ташкилотлари билан бирлашмаси кенгаши раиси Муҳайё Тулаганова, спартакиада иштирокчиси Мохинур Ражабова ва бошқалар юртимизда спортга берилган эътибор, барча сай-ҳаракатлар ёш авлод камолотини кўзлаб қилинаётганини тўқинланиб гапирди.

— Спорт ҳаётимиз мазмунига айланган, — деди Мохинур Ражабова. — Янги марралар, муваффақиятларга эришишимизда юқори савияда ташкил этилган мазкур спартакиаданинг аҳамияти катта. Бу ерда кўп танишлар, дўстлар орттирдим. Таассуротларимиз йиллар давомида яхши хотираларни ёдимизга солиб туришига ишонаман. Фурсатдан фойдаланиб, ташкилотчиларга жамоамиз номидан миннатдорчилик билдираман.

Шодликларини мураббийлари билан бўлишган Тошкент вилояти жамоасининг кувончига шерик бўлишни истадик.

— Аҳиллик ва ҳамжихатлик ғолиб чиқишимизда муҳим рол ўйнади, — дейди мини-футбол бўйича Тошкент вилояти ўйинчиси Жавлон Абдуваитов. — Республикаимизнинг турли бурчақларидан келган тенгдошларим билан суҳбатлашиб, тайёргарлик жараёнида ҳақида ўзаро фикр алмашиш имконияти туғил-

Ҳақиқий спортчилар мактаби

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси жисмоний тарбия ва спорт жамияти Марказий кенгаши спорт захираларини тайёрлаш ва юқори савиядаги спортчиларни етказиб бериш, болалар ва ўсмирлар ўртасида спорт тадбирларини ўтказишга катта аҳамият бериб келади.

Жамият тасарруфида 39 та болалар ва ўсмирлар спорт мактаби фаолият кўрсатиб, мактаб тарбияланувчилари сони 12252 тани ташкил қилади. Улар 124 та стадион, 93 та спорт зали, 84 та сузиш ҳавзаси, 3778 та спорт майдончасида маҳоратини оширади.

БУСМларда ҳар йили 4 мингга турли тоифадаги спортчи тайёрланади. 2009 йили мактабларда 30 та спорт устаси ва 4 та халқаро тоифадаги спорт устаси етиштириб чиқди.

Касаба уюшмалари тасарруфидаги олимпия захиралари болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари, БУСМлар тарбияланувчилари республика миқёсидаги турли мусобақаларда иштирок этиб, совринли ўринларни эгаллаб келмоқда.

Ўтган йили республика миқёсидаги мусобақаларда касаба уюшма спортчилари 660 та медалини қўлга киритди, шундан 276 таси олтин, 202 таси кумуш, 182 таси бронза медалидир. 2008 йили эса Пекин шаҳрида бўлиб ўтган XXIX олимпия ўйинларида касаба уюшма спортчиларидан Вадим Менков байдарка ва каноэда эшак ашиш; Руслан Наурзалиев академик эшак ашиш; Светлана Радзивиц, Анастасия Свечникова, Бобур Шокиржонов, Гузал Хубиева енгил атлетика; Сергей Лагутин велоспорт; Мирали Шарипов, Хуршид Набиев дзюдо; Луиза Галиуллина спорт гимнастикаси; Элдор Ҳафизов юн-рум кураши каби спорт турларида ўз маҳоратларини намойиш этишди.

Дарҳақиқат, касаба уюшма спортчилари республика ва жаҳон ареналарида ўзларининг юқори савияли спортчилар эканлигини кўрсатиб келмоқда. Уларнинг 194 нафари Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси ҳисобланади.

(Боши 1-бетда)
Исмоил Сайфуллаев, Бухоро вилояти БУСМ директори:
— БУСМда 400 га яқин 8-16 ёшли болалар тарбияланади. Уларга ўн та малакали мураббий спорт сирларини ўргатиб келмоқда. Ҳуқуқларимиз орасида кўп та чемпионлар етишиб чиқаётгани бизни қувонтиради. Спортчиларимиз «Пахтакор» каби номдор жамоалар сифида ҳам тўп суришмоқда.

Соат 16:00. Республика спартакиадасининг очилиши. Унда касаба уюшмалари Жисмоний тарбия ва спорт жамиятининг кейинги йиллардаги фаолияти ҳақида қисқача маълумот берилди.

Шундан кейин майдонга Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро, Навоий, Жиззах, Наманган, Андижон, Қашқадарё, Самарқанд, Сирдарё, Сурхондарё, Тошкент вилояти, Тошкент шаҳри жамоалари чиқиб келишди. Мадҳиямиз янгради. Сўнг ЎзКУФК раисининг ўринбосари, ташкилий қўмита раиси Мирзохид Соҳиқовга сўз берилди:

— Бугунги тадбир, спорт байрами ёшларимизнинг камоли учун муҳим аҳамият касб этади. Касаба уюшмалари тизимидаги болалар ва ўсмирлар спорт мактабларида 10 мингдан ортиқ болага 500 га яқин малакали мураббий спортнинг 42 тури бўйича таҳсил бериб келмоқда. Шунингдек, спортчи ёшларимиз мамлакат терма жамоаси таркибида ҳам халқаро мусобақаларда совринли ўринларни эгаллаб келмоқда. Бу болалар спортга берилган катта эътибор самарасидир.

— Баркамол авлод йилида ушбу мусобақанинг вилоятимизда ўтказилаётгани қалбимизда фахр ҳиссини уйғотади, — деди сўзга чиққан Тошкент вилояти ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Сайёра Ҳафизова. — Спортни ривожлантиришга давлат сиёсати даражасида аҳамият берилган бир пайтда, ишониб айтаманки, бу болалардан келажакда жаҳон чемпионлари, олимпиядачилар етишиб чиқади.

Шунингдек, сўзга чиққан олий тоифали мураббий Константин Хортек ҳамда бокс бўйича қатор халқаро турнирлар ғолиби, Олмалик БУСМнинг собиқ тарбияланувчиси Аҳмад Назаров спартакиаданинг аҳамияти, юртимизда спортга берилган эътибор ҳақида алоҳида тўхталиб ўтди.

Стадионни тўлдириб ўтирган ёшларга, айниқса, Олмалик шаҳар «Металлург» маданият саройи ракс ансамблининг дастури манзур бўлди. Миллий ва жаҳон классик рақслари, бадий гимнастика бўйича чиқишлар, санъат-




тури бекиёс аҳамиятга эга.

Иштирокчиларнинг қайси бири билан суҳбатлашманг, спортнинг инсон ҳаётидаги ўрни, зарарли ва салбий оқибатларни бартарарқ этувчи восита эканлигини мароқ билан ҳикоя қилади. Улардаги ғайрат-шиқоят, келажакка дадил боқайтган теран нигоҳларини кўриб, эртага жаҳон ареналарида юртимиз байроғи ҳилпираб, давлатимиз мадҳияси айнан шу ўспиринларнинг ютуқлари эвазига янграши кўз олдимизга келар экан, беихтиёр фахрланамиз...

Куннинг иккинчи ярмида Олмалик шаҳридаги «Марҳамат» ресторанида ғолиб ва совриндорларни тақдирлаш маросими тантанали тарзда ўтказилди. Дастлаб мусобақаларда ўзини кўрсатган бир гуруҳ умидли ёшлар, мини-футбол бўйича «Ғалабага бўлган иштиқоқ учун» Улуғбек Бобоев (Бухоро вилояти), Элёр Исмоилов (Сирдарё вилояти), «Ал-поммиш» ва «Барчиной» махсус тестларида муваффақиятли иштирок этган «Энг ёш иштирокчи» Гузал Аҳмедова (Хоразм), «Спорт маликаси» Ўғиллой Юнусова (Андижон) ва бошқа бир қатор истеъдодли ёшлар турли номинациялар бўйича тақдирланди. Мусобақаларнинг адолатли ўтишини таъминлашда муносиб ҳиссасини қўшган Рўзимурод Достонов «Энг ташаббускор ҳакам» дея эътироф этилди.

Инсон меҳнатини қадрлаш, ҳар кимни ишига яраша рағбатлантириш касаба уюшмалари фаолиятининг асосий омилларидан бири эканлигига ишти-



малари билан тақдирланди. Совғаларни ЎзКУФК бўлим мудири Асқарали Султонов, Тошкент вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Муҳайё Тулаганова ҳамда ЎзКУФК раисининг ўринбосари Озода Муҳитдинова топширди.

Шундан сўнг «Алпоммиш» ва «Барчиной» махсус тестлари совриндорларига навбат келди. 12-13 ёшли

ганидан мамнунман.

Санъаткорларнинг куй-қўшиқлари спартакиаданинг ёпилиш маросимида ўзгача файз киритди. Бир сўз билан айтганда, қатнашчилар олам-олам таассуротларга эга бўлишди.

Шерзод АБДУСАМADOV,
Акмал ТОШЕВ,
«Ishonch» мухбирлари
Икром ҲАСАНОВ олган суратлар

Республикаимизда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш соҳасида улкан ютуқларга эришиб келинмоқда. Хусусан, мамлакатимиз Президенти ва ҳукумат томонидан болалар спортини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани фикримиз далилидир.

Мамлакатимиз терма жамоаси аъзоси бўлган касаба уюшма спортчилари халқаро мусобақаларда совринли ўринларни қўлга киритиб келмоқда. Чунончи, касаба уюшмалари спортчиси Вадим Менков 2008 йили Хитойда бўлиб ўтган олимпия ўйинларида байдарка ва каноэда эшак ашиш бўйича 4-ўринни эгаллаган бўлса,

Етукликка чорлаймиз

2009 йили жаҳон чемпионатида қатнашиб, жаҳон чемпиони деган юксак унвонга сазовор бўлди. Жаҳоннинг энг кучли спортчиси деб тан олинди. Касаба уюшмаларининг ана бир спортчиси Анастасия Свечникова эса Италияда ўтказилган халқаро мусобақада найза улоқтириш бўйича ғолибликни қўлга киритди.

21-23 апрел кунлари Олмалик шаҳридаги «Кимёгар» спорт мажмуида Баркамол авлод йи-

лига бағишлаб, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тизимидаги болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари тарбияланувчилари ўртасида ўтказилган республика спартакиадасидан кўзланган мақсад ҳам ана шундай баркамол ёшлар сафини кенгайтиришдир.

Садриддин САЙФУЛЛАЕВ,
ЎзКУФК маданият ва спорт ишлари бўлими етакчи мутахассиси



Жиззах шаҳрида фаолият юритаётган МЧЖ шаклидаги «Агро-Гумиш» Ўзбекистон-Туркия қўшма корхонаси уставининг 4-моддасига асосан корхона таъсисчилари устав улушига ўзгартириш киритилишини маълум қилади.
Таъсисчиларнинг умумий йиғилишида қатнашишлари сўралади.
Манзил: Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 63-уй.

Тузатиш
Газетанинг 2010 йил 22 апрел сони 2-бетда берилган «Ҳамжихатликда гап кўп» сарлавҳали материалнинг биринчи хатбошидаги «Тошкент вилоят кенгашида» жумласи «Тошкент шаҳар кенгашида» деб ўқилсин.

Ўзбекистон қурилиш ва қурилиш ашёлари саноати ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши ва унинг ҳудудий вакилликлари жамоалари Марказий кенгашнинг Хоразм вилояти бўйича вакилликнинг етакчи мутахассис-ҳисобчиси **Муҳаддас ЮСУПОВА**нинг бевақт вафот этгани муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқинларига чўқур таъзия изҳор этади.

Ishonch
2010-yil 24-aprel №50 (2775)

o'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Muassis:

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir:

Abduxoliq Abdurazzoqov

Tahrir hay'ati:

Aila DOLJENKOVA,
Anvar YUNUSOV,
Dovud MADIYEV
(Bosh muharrir o'rinbosari),
Jahongir SHAROFBOYEV
(Mas'ul kotib),
Ma'mura ADILOVA,
Mirzohid SODIQOV,
Normamat AIAYOROV,
Nosirxon AKBAROV,
Oysulov NAFASOVA,
Pirimqul QODIROV,
Sog'indiq NIYETULLAYEV,
Shamsi ESONBOYEV

Bo'limlar:

Kasaba uyushmalari hayoti
256-87-63

Huquq va xalqaro hayot
256-03-90

Ijtimoiy-iqtisodiy siyosat
256-87-74

Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport
256-82-79

Xatlar va muxbirlar bilan ishlash
256-85-43

Reklama va e'lonlar
256-87-73

Manzilizimiz:

100165,
Toshkent shahri,
«Buxoro» ko'chasi, 24-uy
E-mail:
mail@ishonch.uz

Nashr ko'rsatkichi:

133

Navbatchi muharrir:

T.Shernayev

Navbatchi:

Sh. Abdusamadov

Musahhih:

S.Shodiyeva

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi:
H. Abdullilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasi chop etildi.
Korxonaning manzili:
«Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Gazeta oset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
Sotuvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda marba sifidagi gazeta nomi ko'rsatishi shart.
Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farglanishi mumkin.

Tijorat materiallari

Bosishga topshirish vaqti - 18.00.
Topshirildi - 20.35

Buyurtma Γ — 352

19324 nuxxada bosildi

ISSN 2010-5002

1 2 3 4 5